*Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!*

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2013 йил
30 январь
ЧОРШАНБА

№ 8
(12.540)

1928 йил 11 декабрда асос солинган

**Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси**

www.th.uz

# ГЎЗАЛ ТУЙҒУЛАР ИФОДАСИ

**Мавлудахон Андаева вилоятимизнинг энг чевар ҳунарманд аёлларидан бири. Чеварлик сирларини онаси Салимахондан ўрганган. Шунданми, "ҳам онам, ҳам устозим" дея фахрланади.**

Танлаган касбининг машаққатлари ортидан келадиган завқ-шавқ, эътибор ва рағбатдан баҳраманд, истиқлол берган имкониятларга шукроналар келтиради.

– Ҳунармандчиликка қўл уриб, кам бўлмадим, – дейди у. – Каштачилик – гўзал туйғуларнинг турфа рангларда жилоланишидир. "Ташаббус – 2010" вилоят миқёсида 2-ўринни эгалладим ва Бекобод шаҳри шаънини ҳимоя қилдим. "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси уюштираётган тадбирларнинг фаол иштирокчисиман. Кўргазмага қўйилган кашталаримни завқ билан томоша қилаётганларини кўриб, меҳнатларим зое кетмаётганидан хурсанд бўламан. Ҳозир 20 дан ортиқ шогирдларим бор. Билганларимни уларга ўргатаяпман. Чеварлик – аёл кишининг зийнати. Қўли гул ҳунарманднинг қалби ҳам гулдек нозик, гўзал бўлади. Шогирдларим келгусида ўз ҳунарларини келажак авлодга ўргатади. "Ҳунарли минг яшар..." деганлари шу бўлса керак.



**Даврон АҲМАД олган сурат.**

## Маънавият

**Одам дунёга шунчаки келмайди, балки ҳазрат Навоий айтганларидек, комилликка эришиш учун, ўз атрофидаги одамлар таъсирида камолотга етиш учун келади. Маънан бой, жисмонан соғлом ва ахлоқан пок бўлиб боргани сари унинг теграси, оиласи, Ватани гўзаллашиб, ҳаёти файзга тўлиб бораверади. Ватан меҳри эса одамларга ҳамиша куч-қувват бағишлайди.**

# ВАТАНСИЗ – ИНСОН ҲЕЧ КИМ

Тошкентлик Фарҳод Мирзараҳимов Афғон урушида бўлган. Яраланиб, госпиталга тушган. Ёлғиз ўғил эмасми, дардимни онам кўтара олмайдилар, деб уйига: "Соғ-омонман, ҳадемай дийдор кўришамиз", деб хат ёзган. Хатни ўқиган онадан эса: "Аҳволинг тузукми, дардинг оғир эмасми?", мазмунида жавоб олган. Бундан ҳайратга тушган Фарҳод онасига: "Яраланганимни қандай билдингиз?" деб хат йўллаганида, онаизор: "Хатингни ҳидлаб билдим, ундан дори иси келиб турарди", дея жавоб қайтарган экан.

Ҳа, ҳамиша сезгир, фарзандига жон ипи боғлиқ онанинг. Ватан сўзи олдига Она сўзини қўйиб айтилишида чуқур ҳикмат бўлгани каби, "Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш", деб бекор ёзмаган боболаримиз. Чиндан ҳам онасиз инсон бўлмагани каби, Ватансиз бахт йўқ. Оналар фарзандининг дарду азобини ҳам, бахту қувончини ҳам туш кўрибда, ҳид билиб-да, кўзи учиб, кўнгли хиралашиб ёки ёришиб, кайфияти ўзгариб-да... билади. Боласининг кечмиш-кечирмишига қўшилиб яшайди. Она заминимиз ҳам биз фарзандларини кийдирсам, тўйдирсам дейди.

Бизнинг гўзал юртимиздек юрт дунёда йўқ. Ёзу кузи, баҳору қиши ҳеч ерда биздагидек тенгликда, уч ойнинг нари-берисида келмайди. Мева-чевалари бизникидек баҳорда авжланиб, ёзда мавжланиб, кузда болга тўлиб, қишда куч-қувват йиғмайди.

Мустақилликнинг илк кунларида кўрпа-тўшагини кўтариб, чет элга жўнаб кетган Белла исмли ҳамкасбимнинг "Умида, Тошкент нонини соғиндим, мен учун ҳам иссиғида тўйиб-тўйиб егин, – деган қўнғироғини эслайман. – Тошкентча қилиб бу ерда ҳам нон ёпмоқчи бўлдим. Аммо унидами, ўтинидами, сувидами, тузидами, бир иллат бор шекилли, сира ҳам Тошкентникига ўхшамади"...

"Ўхшамайди ҳам, – аста шивирлайман кулимсираб. – Четга кетиб нима қилардинг, дугонажон? Ўзга миллат вакили эрсанг-да, ўз Тошкентинг, туғилган маҳаллангг бор эди. Сенку, майли-я, бойлик истаб, енгил-елпи ҳаёт излаб, бобосию момоси ётган она тупроқ, ота юртни ташлаб кетаётганларни айтмайсанми? Уларда ғурур йўқ. Йўқса кимнингдир қўлига, кимнингдир кўнглига қараб, ўзга осмон остида Ватансиз юрмасди. Ўз уйини яшнатиб, ўз юртида тер тўкарди, аммахоласию, тоға-жиянининг яхши-ёмон кунида ёнида турарди".

Бир танишим менга ақл ўргатмоқчи бўлди: "Ўғлингиз форс, араб ва инглиз тиллари ихтисослиги бўйича ўқиган экан. Тайёр хазина-ку, нима қилиб олиб ўтирибсиз бу ерда уни, четга юборинг, одам кўради, олам танийди, пул топади". Унга жавобим шу: "Одам таниш, олам кўришни пул топишга, кимнингдир дўконини қўриқлаб, идиш-товоғини ювиш билан аралаштирманг. Манзили номаълум тарафлардан пул кутиб, боламнинг дийдорини соғиниб ўтиришни ақлимга сиғдиролмайман. Она сайёрамизда Ўзбекистон отлиқ мамлакатнинг ўз ҳудуд, чек-чегараси бор экан, бойликларию сепбисотлари мужассам экан, демак, эртага ҳаёт бундан-да яхши бўлади. Оққан дарёлар яна айқириб, ҳайқириб оқади, яратиш ва яшатиш ишқила банд одамлар эса оламаро ёшариб бораверади. Оналикнинг, она Ватан, кўркам диёрга дахлдорлик туйғуси барқарорлигининг маъноси ҳам аслида шундандир.

**Умида АБДУАЗИМОВА, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими.**

## Вилоят ҳаёти

### Ангрен шаҳри

#### «БАЛЛИ, ЙИГИТЛАР!»

**10-мусиқа ва санъат мактабида таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси шаҳар кенгаши ташаббуси билан "Балли, йигитлар!" кўрик-танлови ўтказилди.**

Умумтаълим, мусиқа ва санъат ҳамда спорт мактаблари жамоалари иштирок этган танловда йигитлар нафақат оила посбони, Ватан ҳимоячиси, балки ҳар қандай шароитда вазиятдан осонгина чиқиб кета оладиган моҳир пазанда, мезбон, хонанда, меҳрибон ота эканликларини намойиш этишди.

8-умумтаълим мактаби маънавият ва маърифат ишлари бўйича директор ўринбосари Шерзод Мирзакаримов 1-ўринни эгаллаб, қадимий Бухоро шаҳрига бепул саёҳат йўлланмасини қўлга киритди.

**Динора ЖАМОЛИЕВА.**

### Паркент тумани

#### ИЛЛАТДАН ЙИРОҚ ЮРИНГ

**Агросаноат касб-ҳунар коллежида "Камолот" ЁИҲнинг "Ёшлар ўртасида ОИВ, ОИТС, гиёҳвандлик ва жинсий йўл билан юқадиган касалликларнинг олдини олиш" лойиҳаси асосида тадбир ташкил этилди.**

"Тенгдош-тенгдошга" усули бўйича ўтган тадбирда ёшларни соғлом турмуш тарзига ўргатиш, кашандалик, ичкиликбозлик каби иллатлардан узоқроқ юриш ҳақида сўз борди.

**Ирода МАҚСУД қизи.**

### Оҳангарон тумани

#### ИШОНЧЛИ ҲАМКОР

**"Аҳоли, айниқса хотин-қизлар ва ёшларнинг тиббий, ҳуқуқий билими ва маънавий тафаккурини оширишда матбуот – ишончли ҳамкор" лойиҳаси доирасидаги навбатдаги семинар туман саноат касб-ҳунар коллежининг ахборот-ресурс марказида ўтказилди.**

"Фикри теран, маънавияти юксак миллатмиз" мавзусидаги семинар-тренингда коллеж ўқувчилари, қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларининг диний маърифат ва маънавий-ахлоқий тарбия масалалари бўйича маслаҳатчилари иштирок этишди. Туман ҳокимлиги, нодавлат нотижорат ва бошқа жамоат ташкилотлари ходимларининг маърузалари юзасидан баҳс-мунозара бўлиб ўтди.

**Саида ЭШМАТОВА.**

# ЎЗБЕКИСТОН САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИ ИСТАНБУЛДА НАМОЙИШ ЭТИЛДИ

*Туркиянинг Истанбул шаҳрида 24-27 январь кунлари "EMITT-2013" ўн еттинчи халқаро сайёҳлик ярмаркаси бўлиб ўтди*

Мамлакатимизда Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида сайёҳлик инфратузилмасини янада ривожлантириш, Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳиятини хорижда кенг тарғиб этиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Мамлакатимиз дунёнинг кўплаб давлатларида ўтказилаётган халқаро сайёҳлик ярмаркаларида фаол иштирок этмоқда.

Истанбул халқаро сайёҳлик ярмаркаси дунё миқёсидаги йирик халқаро тадбирлардан. 2013 йилги ярмаркада етмишдан зиёд мамлакатдан 4500 сайёҳлик фирма ва компаниялари вакиллари, эксперт ва олимлар иштирок этди.

"Tuyap Istanbul Fair" – кўргазма залида ташкил этилган "EMITT – 2013" халқаро сайёҳлик ярмаркасида мамлакатимизнинг "Ўзбектуризм", "Ўзбекистон ҳаво йўллари", "Ўзбекистон темир йўллари" компаниялари, "Grand Mir", "Radisson Blue" меҳмонхоналари ҳамда "Miramax", "Uzin Tour", "Mokocco Elite" каби сайёҳлик компания ва фирмалари иштирок этди.

Халқаро сайёҳлик ярмаркаси иштирокчилари тарихий обидаларимиз ва миллий қадриятларимиз акс этган "Ўзбекистон" стендига юксак баҳо бердилар. Мамлакатимизнинг тарихий шаҳарлари ва жойларига унутилмас саёҳатни уюштираётган ўзбек сайёҳлик компания ва фирмалари тақдим этган тур-пакетлар ярмарка иштирокчиларида катта қизиқиш уйғотди, кўплаб шартномалар имзоланди.

**Мадина УМАРОВА, ЎзА мухбири.**




РУХСАТ ЭТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ:

# ОЧИҚ-ОШКОРАЛИК, ОДДИЙЛИК

**Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим ўрин тутади. Иш билан банд аҳолининг 75 фоиздан ортиғи меҳнат қилаётган хусусий секторни ривожлантириш дастури давлатимизнинг ҳар томонлама кўмаги ҳамда ташаббус ва бунёдкорлик қўллаб-қувватланадиган бозор муносабатлари асосида амалга оширилмоқда.**

Изчил ривожланиб бораётган мамлакатимиз хусусий секторини янада қўллаб-қувватлаш мақсадида Президентимиз Ислом Каримов томонидан 2012 йил 20 декабрда тасдиқланган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонун қабул қилинди. У 2013 йилнинг июнь ойида кучга киради.

"Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси"да ушбу қонун ҳужжатининг муҳимлиги қайд этилган. Бу бошқарув тизимини такомиллаштириш, ортиқча бюрократик тўсиқларни бартараф этиш вазифалари билан боғлиқдир. Шу мақсадда тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсат бериш тартиб-таомилларининг қатъий чекланган рўйхати ва турларини белгилаш зарурлиги таъкидланган.

Ўзбекистонда тадбиркорлик фаолияти йил сайин ривожланиб бормоқда. Бу борада шаклланган тегишли қонунчилик ва меъёрий-ҳуқуқий база мунтазам такомиллаштирилмоқда, маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш учун рухсат бериш тартиб-таомиллари турларини қисқартириш ҳамда соддалаштириш чоралари кўрилмоқда. Масалан, Президентимиз Ислом Каримовнинг 2005 йил 21 сентябрда қабул қилинган "Тадбиркорлик фаолияти юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида"ги қарорига мувофиқ тадбиркорлик фаолиятини юритишда 11 та бир-бирини такрорлайдиган ва ортиқча рухсатномалар бериш тартиб-қоидалари бекор қилинди.

Давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 25 августда имзоланган "Бюрократик тўсиқларни бартараф этиш ва тадбиркорлик фаолияти эркинлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори маъмурий сарф-харажатларни камайтириш, тадбиркорлик соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари турларини қисқартириш ҳамда соддалаштиришга қаратилган ислоҳотларнинг мантиқий давоми бўлди. Мазкур ҳужжатга биноан 2011 йилнинг 1 сентябридан рухсат бериш хусусиятига эга 50 та ҳужжат бекор қилинди. Субъектнинг импорт операцияларини ҳисобга олиш карточкаси, якка тартибдаги тадбиркорларга турғун савдо шохобчалари орқали ёки буюм бозорларида чакана савдони амалга ошириш ҳуқуқини берувчи рухсат гувоҳномаси, полиграфия корхонаси очиш ва фаолият юритишга рухсатнома шулар жумласидандир. Бундан ташқари, давлат бошқаруви ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари томонидан қонун ҳужжатларида назарда тутилмаган рухсатномалар ва рухсат бериш тартиботларининг янги турларини жорий этиш қатъиян тақиқланди.

Президентимизнинг 2012 йил 16 июлда қабул қилинган "Статистик, солиқ, молиявий ҳисоботларни, лицензияланадиган фаолият турларини ва рухсат бериш тартиб-таомилларини тубдан қисқартириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони бозор иқтисодиёти талаблари, халқаро меъёрлар ва стандартларга мувофиқ бюрократик ғовларни бартараф этиш, лицензия ва рухсат бериш тартиб-таомилларини соддалаштириш, ҳисобот тизимини ва ҳисоботларни тақдим этиш тартибини такомиллаштириш ҳисобига ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилашга қаратилган. Ушбу фармонга биноан, 2012 йилнинг 1 августидан рухсат беришга оид 80 та тартиб-таомил, шунингдек, лицензияланадиган фаолият турларининг 15 таси, жумладан, уларни бекор қилиш ва бирлаштириш ҳисобига бекор қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигининг иқтисодий қонунчилик бўлими бошлиғи Рустам Саъдиевнинг айтишича, фармонга мувофиқ деярли барча соҳалар, жумладан, капитал қурилиш, ишлаб чиқариш, ташқи иқтисодий фаолият, божхона ва банк иши, қимматли қоғозлар бозори, биржа савдоси ва суғурта фаолияти, транспорт, савдо соҳаларида рухсат бериш тартиб-таомиллари қисқартирилди. Айни вақтда рухсат бериш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш бўйича ваколатли органлар раҳбарлари рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатлари меъёрларига сўзсиз риоя этиш бўйича шахсий жавобгар экани ҳақида қатъий огоҳлантирилди. Бунда Адлия вазирлиги ва Бош прокуратурага рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларига давлат ва хўжалик бошқаруви органларининг сўзсиз риоя этишлари устидан мунтазам назоратни ўрнатиш ҳамда амалдаги қонунчилик талаблари бузилишининг олдини олиш бўйича таъсирчан чораларни кўриш вазифаси топширилди.

(Давоми 2-бетда).

*Тошкент вилояти сайлов комиссияси*
*ҚАРОРИ*

# ХАЛҚ ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ КЕНГАШИ ДЕПУТАТИ ЭТИБ РЎЙХАТГА ОЛИШ ТЎҒРИСИДА

**"Халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайлов тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 11, 41, 45-моддаларига мувофиқ, Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгашига сайлов ўтказувчи вилоят сайлов комиссияси**
**ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. Қуйидагилар Халқ депутатлари Тошкент вилояти Кенгаши депутати этиб рўйхатга олинсин:

| Т/р | Депутат этиб сайланганларнинг фамилияси, исми, отасининг исми | Туғилган йили | Партияга мансублиги | Номзод кўрсатган партия | Иш жойи ва лавозими | Яшаш манзили | Сайлов округи рақами ва номи |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 1 | **ИСЛАМОВ** Шомурод Яшинович | 1971 | ЎзЛиДеП | ЎзЛиДеП | "Тошвилтранстерминал" автомобилларда йўловчи ва юк ташувчилар ҳамда автотерминаллар уюшмасининг раиси | Тошкент шаҳри | 22-Ғазалкент сайлов округи |
| 2 | **ПУЛАТОВА** Доно Абдужалиловна | 1962 | ЎзМТДП | ЎзМТДП | Зангиота тумани тиббиёт бирлашмасига қарашли 1-сонли Келес поликлиникаси бош шифокори | Тошкент вилояти Зангиота тумани | 46-Қизғалдоқ сайлов округи |
| 3 | **ПУЛАТОВ** Ботирали Паязович | 1962 | Партиясиз | Ўз «Адолат» СДП | Янгийўл тумани ҳокими | Тошкент вилояти Зангиота тумани | 58-Ниёзбош сайлов округи |
| 4 | **РАХМАНОВ** Ибрагимжон Абсаматович | 1970 | ЎзМТДП | ЎзМТДП | "Ангрен иссиқлик электр станцияси" ОАЖ директори | Тошкент шаҳри | 1-Ангрен сайлов округи |
| 5 | **ҚОРАБОЕВА** Насиба Абдуқаххоровна | 1970 | ЎзМТДП | ЎзМТДП | Чиноз тумани ҳокимининг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси | Тошкент вилояти Чиноз тумани | 53-Эски Тошкент сайлов округи |

**Вилоят сайлов комиссияси раиси У. АБДУШОҲИДОВ.**
Тошкент шаҳри, 2013 йил 28 январь.

Тадбиркорлик



# МИЛЛИЙ ЛИБОСЛАР ЖИЛОСИ

Авлоддан-авлодга ўтиб келаётган ҳунармандчилик ишлари билан шуғулланувчи якка тартибдаги тадбиркорлар вилоятимизда оз эмас. Ангренлик Зуҳра Гапирова ана шулардан бири. У рўзғор ишларидан ортиб, аёллар миллий либосларини тикиш билан шуғулланади. Устози Марҳабо Абдуллаевага ҳавас қилиб ўрганган ҳунарини 2009 йилдан буён маиший хизмат уйида муваффақиятли қўллаб келмоқда. Шу ҳунари ортидан 20 га яқин шогирд тайёрлаб, 4 кишини иш билан таъминлади.

Эндиликда шогирдларига кўп асрлик тарихга эга бўлган зардўзлик ҳунарини ўргатиш билан бирга туман ёшларини иш билан таъминлашни ният қилган.

**СУРАТДА:** (ўнгдан иккинчи) Зуҳра Гапирова шогирдлари даврасида.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

**РУХСАТ ЭТИШ ТАРТИБ-ТАОМИЛЛАРИ:**

# ОЧИҚ-ОШКОРАЛИК, ОДДИЙЛИК

Ҳозирги шароитда рухсат бериш тизимининг асосий принцип ва қоидаларини мустаҳкамлашга қаратилган "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонун мамлакатимиз иқтисодиётини эркинлаштириш бўйича демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш борасидаги асосий қонунчилик ҳужжатидир. Ушбу қонунда тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, рақобатни чеклайдиган рухсат бериш тартиб-таомиллари белгиланишига йўл қўйилмаслик рухсат бериш тартиб-таомилларининг асосий принциплари сифатида мустаҳкамланган. Шу билан бирга, ҳужжатда рухсат бериш тартиб-таомилларининг ошкоралиги, очиқлиги ва тушунарлилиги, рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни бериш тартибига доир талабларнинг ягоналиги ва уларнинг "бир дарча" орқали берилиши кўзда тутилган.

Рухсат бериш тартиб-таомиллари тадбиркорлик субъектларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатлари, фуқароларнинг ҳаёти ва соғлиғи ҳимоя қилиниши, жамоат хавфсизлигининг ҳамда атроф-муҳит муҳофаза қилинишини қонун доирасида таъминланиши лозим. Шунингдек, унда ваколатли органга бошқа ваколатли органлар томонидан бериладиган рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатларни тақдим этиш талаб қилинган ҳолларда, бундай ҳужжатларни бериш "бир дарча" тизими орқали амалга оширилади.

– "Бир дарча" тамойилини жорий этишнинг кўплаб афзалликлари бор, – дейди Савдо-саноат палатасининг ҳуқуқий экспертиза ва тадбиркорларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш бўлими бошлиғи Улуғмурод Эрназаров. – Давлат хизматларининг сифатини ва улардан фойдаланиш даражасини, фуқаролар ва ташкилотларнинг хизматлардан фойдаланиш тартиби ва шартлари ҳақида хабардорлигини ошириш, бундай хизматларни кўрсатиш муддатларини қисқартириш шулар жумласидандир. Масалан, "бир дарча" технологиясидан фойдаланишда ариза берувчидан идоралараро ахборот алмашинуви жараёни сир тутилади. Ариза берувчи ўзи ҳақида бир идорадан иккинчисига ахборот тақдим этиш мажбуриятидан озод этилади. Бу принцип муайян хизмат мутахассисига ҳужжатлар минимал тўпламини бир марта топшириш имконини беради. Таъкидлаш жоизки, мазкур қонунда зарур ҳужжатлар рўйхати белгилаб берилди, қонун ва тегишли низомларда кўзда тутилмаган ҳужжатларни талаб қилиш тақиқланди. Ҳужжатлар бевосита почта орқали ёки электрон рақамли имзо билан тасдиқланган электрон шаклда, улар олинганлиги ҳақида юборувчини хабардор қилинган ҳолда тақдим этилади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатнинг амал қилиш муддати, одатда, чекланмайди. Ҳаракатни бажариш ёки муайян фаолиятни амалга ошириш хусусияти ва шартлари талаб қилинадиган айрим ҳужжатлар бундан мустаснодир. Рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериш тўғрисидаги аризани кўриб чиқиш, уни бериш ёки беришни рад этиш муддатлари ариза барча зарур ҳужжатлар билан қабул қилиб олинган санадан эътиборан ўттиз иш кунидан ошмаслиги керак. Агар ваколатли орган белгиланган муддат мобайнида тадбиркорлик субъектига рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бермаса ёки уни беришни рад этмаса, тадбиркорлик субъекти 30 кунлик муддат ўтганидан кейин амалга ошириш учун ҳужжат тақдим этган фаолиятни бошлаш ҳуқуқига эга ва бу ҳақда ваколатли органни ёзма равишда хабардор қилади (ҳукумат томонидан тасдиқланган айрим ҳоллар бундан мустасно). Бундай ҳолда ваколатли орган тадбиркорлик субъектининг хабарномаси олингандан кейин беш иш куни ичида унга рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни бериши шарт.

Қонунда рухсат этиш хусусиятига эга ҳужжатни беришни рад этиш учун асослар ва ҳужжатнинг амал қилиши тўхталиши ёки бекор қилиниши мумкин бўлган ҳолатлар ҳам қайд этилган. "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонуннинг амал қилиши тадбиркорлик субъектларини давлат рўйхатидан ўтказиш ҳамда ҳисобга қўйиш, фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш, аккредитация қилиш, сертификатлаштириш, стандартлаштириш, метрология ва техник жиҳатдан тартибга солиш, давлат экологик экспертизаси, давлат сирларини сақлаш соҳаларига нисбатан татбиқ этилмайди.

Мухтасар айтганда, Ўзбекистон Республикасининг "Тадбиркорлик фаолияти соҳасидаги рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисида"ги Қонунининг ҳаётга татбиқ этилиши хусусий сектор вакилларига нафақат вақтни, балки маблағларни тежаш, уларни ишлаб чиқариш фаолиятини кенгайтириш, янги корхоналар ва қўшимча иш ўринлари ташкил этишга йўналтириш имконини беради. Бу эса ўз навбатида оилалар фаровонлигини ошириш ва мамлакатимизни ривожлантиришга хизмат қилади.

**Меҳрибон МАМЕТОВА, ЎзА мухбири.**

Қарор ва ижро

# ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ФАОЛ БАНКЛАРИ

**Президентимиз Ислом Каримовнинг 2008 йил 31 октябрда қабул қилинган қарорига мувофиқ, аҳолининг омонатларини жалб қилиш бўйича мамлакатимиз тижорат банклари ўртасида ўтказиб келинаётган танлов молия муассасаларининг бу борадаги фаолиятини кучайтириш ва янада ривожлантиришга хизмат қилмоқда.**

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ҳамда Банклар ассоциацияси ҳамкорлигида ўтказилган навбатдаги танловда 29 тижорат банки, қарийб 840 филиал, 4 мингдан зиёд мини-банк ва махсус кассалар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси Ф. Муллажонов, Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси А. Алтиев, Ўзбекистон Банклари ассоциацияси раиси С. Абдуллаев ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида мамлакатимиз банк тизимида амалга оширилаётган изчил ислоҳотлар ўзининг юксак самараларини бераётганини алоҳида таъкидлади. Буни аҳолининг омонатга қўйилган маблағлари барча турдаги солиқлардан озод қилингани, уларнинг манбалари декларация қилинмаслиги ҳамда омонатларнинг тўланиши давлат томонидан кафолатлангани билан боғлиқ имтиёзлар самарасида банклардаги депозитлар ҳажми ошиб бораётганида ҳам кўриш мумкин.

Бугунги кунда мамлакатимиз тижорат банклари миллий ва чет эл валютасида чекланмаган миқдорда икки юз элликдан ортиқ омонат турини таклиф этмоқда. Натижада 2012 йилда тижорат банкларидаги аҳоли омонатларининг ҳажми 2011 йилдагига нисбатан 34,6 фоиз ошди.

Танловда тижорат банкларининг 2012 йилда аҳолининг бўш пул маблағларини омонатларга жалб қилиш борасидаги фаолияти 8 асосий ва 11 қўшимча номинация бўйича баҳоланди.

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки омонатларни жалб қилиш бўйича 2012 йилнинг энг яхши банки деб топилди.

– Банкимизда 2012 йилда муддатлари икки ойдан бир йилгача бўлган йигирмага яқин янги омонат тури жорий этилди, – дейди мазкур банкнинг омонат операциялари бошқармаси бошлиғи Отабек Мирзаев. – Бунинг самарасида жисмоний шахсларнинг омонат ҳисобрақамларидаги маблағлар қолдиғи 2011 йилнинг шу даврига нисбатан 30,3 фоизга кўпайди. Обод турмуш йилида ҳам мижозларга кўрсатилаётган хизмат турларимизни кенгайтириб, янада жозибадор омонат турларини жорий этишни режалаштирганмиз.

"Ўзсаноатқурилишбанк"нинг Сирғали тумани филиали, "Халқ банки"нинг Китоб тумани филиали, "Асакабанк"нинг Тошкент шаҳар филиали, "Капиталбанк"нинг "Юнусобод" мини-банки, "Микрокредитбанк"нинг Навоий вилоятидаги "Ҳазора" мини-банки, "Туркистонбанк"нинг Тошкент шаҳар ва "Инвест-финанс банк"нинг Тошкент вилояти филиаллари асосий номинациялар бўйича ғолиб чиқди.

Танлов ғолиблари диплом ва қимматбаҳо совғалар билан тақдирланди.

**Сайёра ШОЕВА, ЎзА мухбири.**

Семинар-тренинг

**Паркент туманида фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти вилоят ҳудудий бўлинмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди вилоят бўлими ва Паркент тумани ҳокимлиги ҳамкорлигида "Ўзини ўзи бошқариш органлари фаолларининг сиёсий-ҳуқуқий маданияти, касбий билим ва кўникмаларини оширишнинг ўзига хос хусусиятлари" мавзусида семинар-тренинг ташкил этилди.**

# АМАЛИЙ МАШҒУЛОТ ЎТКАЗИЛДИ

Тадбирда қишлоқ ва маҳалла йиғинлари раислари, котиб, маслаҳатчи ва посбонларнинг етарли билим ва тажрибага эга бўлишларини таъминлашга қаратилган ишлар таҳлил этилди ва амалий машғулотлар ўтказилди.

Бундан ташқари, семинарда "Мамлакатимизда фуқаролик жамиятининг шаклланишида ўзини ўзи бошқариш органларининг роли ва ўрни", "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолияти самарадорлигини оширишнинг долзарб масалалари" мавзуларида маърузалар ҳам тингланди. Семинар давомида иштирокчилар учун интерфаол машғулотлар ўтказилди ҳамда савол-жавоблар ташкил этилди.

**Юлдузхон МУҲИДДИНОВА.**

# ФАОЛИЯТИ ЯНАДА КЕНГАЙДИ

**Қибрай тумандаги "Ҳалол барака Нур" МЧЖ чорвачилик билан шуғулланади. Унинг маҳсулотлари қисқа фурсатда ўз харидорларини топиб улгурди.**

Эътиборлиси шуки, "Ҳалол барака Нур" фаолияти эндиликда янада кенгайди. Бу ерга Германиядан 25 бош зотли қорамол ва сигир соғиш ҳамда сутни сақлашга мўлжалланган замонавий ускуналар келтирилди.

# ЯНГИ МАЖМУА ОЧИЛДИ

**Чиноз тажриба-синов пахта тозалаш корхонаси қошида ижтимоий-маиший мажмуа очилди.**

Мажмуада озиқ-овқат дўкони, новвойхона иш бошлади, шунингдек, ёшларнинг бўш вақтлари мазмунли ўтишини таъминлаш мақсадида расм, тикувчилик тўгараклари ҳам ташкил этилди.

Дарвоқе, Илҳом Шарипов номли маҳалла қўмитаси ва милиция таянч пункти ҳам мажмуада ўз хоналарига эга бўлди.

**Норпошша ҚЎЗИЕВА.**

Қишлоқ мулкдорлари

# ТЕХНИКАСИ БУТНИНГ ОҒИРИ ЕНГИЛ

**"Ўролбек ота" Бекобод туманида оғизга тушган фермер хўжаликларидан. 117 гектар ери бор. 65 гектарида пахта, 52 гектарида ғалла етиштирилади. Шунча экин майдонида бор-йўғи 16 ижарачи меҳнат қилади. Бошқача айтганда, ҳар бир аъзога ўртача 7,3 гектардан экин тўғри келади. Бу озми ёки кўпми?**

– Умуман олганда кўп, – дейди фермер хўжалиги раҳбари Абдушукур Ўрозбеков. – Шунча майдондаги экинни эплаб парваришлаш бир аъзога оғирлик қилади. Лекин бизнинг хўжаликда бу муаммо эмас.

Фермернинг "лекин"и ўринли экан. Гап шундаки, фермер хўжалиги ташкил этилган 2004 йилдан бошлаб А. Ўрозбеков техникага зўр берди. Ишлаб топилган маблағнинг асосий қисмини техника харид қилишга сарфлаб борди. Ҳозир хўжалик МТЗ-80/10, МТЗ-80/11 чопиқ тракторлари, БТ-150 ҳайдов трактори ва парвариш даврида асқотадиган асосий агрегат-механизмларга эга.

– Даромад кўтарса, техникани кўпайтирган яхши, албатта, – дейди тракторчи Илҳом Нисолов. – Аммо асосийси – бор техника воситаларини мавсумида авайлаб ишлатиш ва бошқа пайтда яхшилаб созлаб, бўяб, пана жойда сақлаш.



Тракторчи муболаға қилмади. Хўжаликнинг ҳамма техникаси барвақт таъмирланиб, эскирган қисмлари алмаштирилиб, бутлаб, бўялиб, тайёрлик чизиғига қўйилган. Бу ердаги тартиб аксарият фермерларнинг ҳавасини келтиради десак, муболаға бўлмайди.

– Фарзандларим ёнимга кириб қолишди, – дейди Абдушукур Ўрозбеков, – Бир ўғлим – Акмал тракторчи, яна бири – Адҳам бухгалтер. Бири техникага, бири ҳисоб-китоб, яъни хўжаликнинг иқтисодий жиҳатига жавобгар. Ҳар бир ишни маслаҳатлашиб қиламиз, янги режаларни ҳам бирга ўйлаб, тузамиз.

Режадан гап очилганидан фойдаланиб, бу йил нималар қилмоқчи эканини сўрадик.

– Ҳозирча бу ҳақда гапиришга эртадир балки, – деди фермер ўйланиб. – Аммо – орзуга айб йўқ. Саккиз-тўққиз йилдан бери, яъни фермер бўлганимдан буён кузатаман. Қишлоқларда қорамол кўп. Тахминий ҳисобимча, кунига 300 литр сут четга чиқиб кетаяпти. Яъни қандайдир тадбиркорлар келиб, йиғиштириб кетишяпти. Бу ишни ўзимиз қилсак ҳам бўладику. Масалан, хўжалигимиз қошида цех очсак, ўша сутни қайта ишлаб, сариёғ, қаймоқ, сузма дегандек, тайёр маҳсулотга айлантириб сотсак, мўмай даромад эмасми? Энг муҳими – хомчўт қилиб кўрсак, яна камида 15 ҳамқишлоғимиз ишли бўлиб қоларкан. Қолаверса, Юртбошимиз ҳам Вазирлар Маҳкамасининг куни кеча бўлиб ўтган йиғилишида қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлашни кенгайтириш ва чуқурлаштириш навбатдаги устувор вазифалардан бири эканлигини алоҳида таъкидладилар.

"Ўролбек ота"нинг иқтисодий салоҳиятидан келиб чиқиб айтадиган бўлсак, фермернинг бу режаси ҳам ҳадемай амалга ошса ажабмас.

**СУРАТДА:** фермер Абдушукур Ўрозбеков ва тракторчи Илҳом Нисолов.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

Тадбир

# ИМТИЁЗЛАР ТУШУНТИРИЛДИ

**Пискент тумани давлат солиқ инспекцияси ташкил этган семинарда хўжалик юритувчи субъектлар раҳбар ва ходимлари, хусусий тадбиркорлар иштирок этди.**

Тадбирда 2013 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигидаги янгиликлар, тадбиркорларга яратилаётган имтиёзларнинг мақсад-моҳияти ҳақида сўз юритилди.

Семинарда тадбиркорлар ўзларини қизиқтирган барча саволларга мутахассислардан батафсил жавоб олдилар.

**Юлдуз ФАЗЛИЕВА.**

Давра суҳбати

**Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партияси вилоят кенгашининг "Аёллар қаноти" "Ипотекабанк" вилоят филиали билан ҳамкорликда шу мавзуда давра суҳбати ташкил этди. Унда партия фаоллари, Халқ депутатлари вилоят, шаҳар ва туман Кенгашларига сайланган аёллар, тадбиркор ва фермер хотин-қизлар иштирок этишди.**

# КИЧИК БИЗНЕСНИНГ КАТТА ИШЛАРИ

Қизғин тус олган суҳбат чоғида давлатимиз раҳбарининг Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасида илгари сурилган вазифалар асосида Обод турмуш йилида "Тадбиркорлик тамойиллари ва ишбилармонлик имкониятлари", "Соғлом оила – мустаҳкам оила", "Оилавий тадбиркорликдан – мустаҳкам оилага" лойиҳаларини амалга ошириш режалаштирилаётганига алоҳида урғу берилди. Банк мутахассисларининг Германия, Япония ва Корея билан ҳамкорликда амалга оширилаётган лойиҳалар, кредитларни расмийлаштиришдаги енгиллик ва имтиёзлар хусусидаги маълумотлари иштирокчиларда катта қизиқиш уйғотди. Улар барча саволларини ойдинлаштириб олишди.

– Оилавий тадбиркорлик билан ўн йилдан буён шуғулланамиз, – деди янгийўллик иштирокчи Малоҳат Мирзаева. – Кейинги пайтда тадбиркорларга катта эркинлик ва имтиёзлар берилди. Бу фаолиятимизни кенгайтиришга руҳлантирмоқда.

Давра суҳбатида мавжуд камчиликларни бартараф этишга доир таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

**Юсуф ЖУМАЕВ.**

Тадбиркорликка кенг йўл

# СОЛИҚ ТИЗИМИ СОДДАЛАШТИРИЛМОҚДА

**Оққўрғон тумани ҳокимлигида ўтказилган семинарда тадбиркорлар, ташкилотлар раҳбарлари ва ҳисобчилари иштирок этишди.**

Туман давлат солиқ инспекцияси ходимлари иштирокчиларга республика Президентининг "Ўзбекистон Республикасининг 2013 йилги асосий макроиқтисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида"ги қарори ижроси, 2013 йилги солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишлари, солиқ қонунчилигига киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар, солиқ имтиёзлари ва афзалликлари тўғрисида батафсил тушунчалар беришди.

Ўтган 2012 йил тадбиркорлар учун самарали йил бўлди. Солиқ-бюджет сиёсатининг 2013 йилги йўналишлари асосида тадбиркорлар ва аҳоли учун солиқ юкини янада енгиллаштиришга, солиқ тизимини соддалаштиришга ва солиқ маъмурчилигини такомиллаштиришга қаратилган муҳим ҳужжатлар қабул қилинди. Жумладан, Юртбошимизнинг юқоридаги қарори билан солиқ юкини камайтириш, давлат бюджети барқарорлигини таъминлаш борасида, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш ва солиқ солиш билан боғлиқ масалалар бўйича айрим солиқ ставкалари камайтирилди.

Семинарни ташкил этишдан асосий мақсад, муҳтарам Юртбошимиз томонидан белгилаб берилган ишбилармонлик муҳитини тубдан яхшилаш, тадбиркорлик субъектлари учун қулай имконият ва шарт-шароитлар яратиш вазифалари, шунингдек, 2013 йил учун солиқ ва бюджет сиёсатининг асосий йўналишларидан келиб чиқиб, солиқ қонунчилигига киритилган янгиликлар ҳақида тумандаги тадбиркорлар, ташкилот раҳбарлари ва ҳисобчиларини яқиндан таништиришдир.

**Шавкат ҲАЙТМАТОВ, Оққўрғон туман солиқ инспекцияси бошлиғи.**

Интеллектуал ўйин

**"Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши мустақил фикрловчи, миллий ва умуминсоний қадриятларни теран англовчи, чуқур билимли ва ақл-заковатли, тинимсиз изланувчан ёшларни тарбиялаш, уларнинг жамиятда муносиб ўрин эгаллашларига кўмаклашиш мақсадида "Заковат" интеллектуал ўйинлари ўтказмоқда.**

# ШОҲСУПАДА – ЗАКОВАТЛИ ЁШЛАР



Обод турмуш йилига бағишланган навбатдаги ўйинлар Бўка тумани маиший хизмат кўрсатиш касб-ҳунар коллежида ташкил этилди. Ушбу минтақавий турнирда Бўка, Оққўрғон, Бекобод туманлари ҳамда Олмалиқ шаҳар жамоалари иштирок этди.

Турнир икки босқичда ўтказилди. Биринчи босқич икки турдан иборат бўлиб, 24 та савол ўйналди. Иккинчи босқич "Breyn Ring" турниридан иборат бўлди.

Ўйинларнинг биринчи босқичи якунида Бекобод туманининг "Сайхун", иккинчи босқич якуни бўйича эса Бўка туманининг "Garvard" жамоаси фахрли биринчи ўринни эгаллади.

Тадбир сўнгида турнир иштирокчиларига "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят ҳамда туман кенгашларининг диплом, фахрий ёрлиқ ва эсдалик совғалари топширилди.

**Собир ЗУФАРОВ олган сурат.**

Жамоат фондларида

# БУЮК ТАБИБ АВЛОДЛАРИ

**Бугунги кунда жамият бошқарувида нодавлат нотижорат ташкилотларнинг ўрни ва роли алоҳида кўзга ташланмоқда. Хусусан, фуқароларнинг ҳар соҳада фаоллигини ошириш, улар ўртасида ҳам иқтисодий, ҳам ижтимоий тарғибот ишларини изчил йўлга қўйишда шу тизимнинг хизмати янада яққолроқ намоён бўлмоқда.**

Ибн Сино жамоат фонди ҳам шундай мақсадда ташкил этилганди. Жумладан, жаҳон илм-фани ва маданияти тараққиётига улкан ҳисса қўшган улуғ аждодимиз, Шарқ оламининг буюк мутафаккири, олим ва файласуф Абу Али ибн Сино ҳаёти ва илмий меросини ҳар томонлама чуқур тадқиқ этиш, унинг асарлари асосида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, ёш тиббий кадрларни алломанинг илмий меросига садоқат ва юксак эҳтиром руҳида тарбиялаш ҳамда тажриба алмашиш ва малака оширишларига кўмаклашиш фонднинг энг асосий вазифалари қилиб белгиланган. Бу эса ўз-ўзидан фонднинг мамлакатимиз соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишда фаол иштирок этишига кенг йўл очади.

Ибн Сино жамоат фонди вилоят филиалининг ўтган йилдаги фаолияти якунларига мувофиқ, олдимизга қўйилган мақсадларга озми-кўпми, эришдик дейишимиз мумкин.

2011 йилда Олий Мажлис ҳузуридаги нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди Ибн Сино жамоат фонди вилоят филиалига "Аҳолининг турли ижтимоий ва ёши бўйича гуруҳлар орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш" номли лойиҳасига Давлат гранти ажратган эди. Ушбу лойиҳа асосида филиал Чиноз, Юқори Чирчиқ, Оҳангарон, Оққўрғон ва Паркент туманларидаги 27 та касб-ҳунар коллежларида ва маҳалла маслаҳатчилари ўртасида "Соғлом турмуш тарзи кўникмаларини шакллантириш", "Репродуктив саломатлик, эрта никоҳнинг салбий оқибатлари" мавзуларида 64 марта семинар-тренинг ўтказди. Уларда 1500 дан зиёд талаба ва 200 дан ортиқ маҳалла маслаҳатчилари фаол иштирок этишди.

Грант маблағлари доирасида "Оилада соғлом турмуш тарзи" номли услубий қўлланма ҳамда ота-оналар ва ўсмирлар учун эрта никоҳнинг олдини олиш мақсадида "Бахтли бўлай десангиз!" мавзусидаги буклетлар тарқатилди. Грант доирасидан ташқари, юқоридаги каби тадбирлар Ўрта Чирчиқ, Бўка, Зангиота, Пискент туманларидаги умумтаълим мактаблари ва касб-ҳунар коллежларида ҳам ўтказилди.



**Камола ТЎЛАГАНОВА,**
**Ибн Сино жамоат фонди вилоят филиали раиси.**

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР


**"SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда: Бекобод тумани СИБ томонидан 1. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1986 й. и/ч. "Камаз", д/р. 11 K 3293. Бошланғич баҳоси – 15 484 864 сўм. 2. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1981 й. и/ч. "Камаз 53212", д/р. 10 R 639 AA. Бошланғич баҳоси – 15 353 332 сўм. 3. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1978 й. и/ч. "Камаз 5320", д/р. 11 I 2685. Бошланғич баҳоси – 13 016 852 сўм. 4. 14.10.2010 й. № 17572-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и/ч. "Камаз 53212", д/р. 10 A 245 BA. Бошланғич баҳоси – 16 955 626 сўм. 5. 01.03.2012 й. № 5249-сонли ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч. "Москвич", д/р. 11 R 9813. Бошланғич баҳоси – 336 420 сўм. 6. 31.08.2012 й. № 14510-сонли ижро ҳужжатига асосан "Урал", д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 691 740 сўм. 7. 31.08.2012 й. № 14510-сонли ижро ҳужжатига асосан "Урал", д/р. сиз. Бошланғич баҳоси – 691 740 сўм. Бекобод тумани "Ёшлик" ХХСКда сақланмоқда. 8. 14.06.2011 й. № 6908-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч. "Газ-31105", д/р. 10 Q 367 CA. Бошланғич баҳоси – 6 775 843 сўм. Бекобод тумани ИИБ ДАНБда сақланмоқда. Янгийўл тумани СИБ томонидан 9. 20.04.2012 й. ижро ҳужжатига асосан 1989 й. и/ч. "Москвич-412 ИЭ", д/р. 11 K 7764. Бошланғич баҳоси – 730 601 сўм. 10. 20.04.2012 й. ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч. "Матиз", д/р. 01 V 638 CA. Бошланғич баҳоси – 13 548 000 сўм. Тошкент вилоят, Янгийўл тумани, "Янгийўл Савдо Файз Барака" МЧЖда сақланмоқда. 11. 27.10.2008 й. ижро ҳужжатига асосан 1961 й. и/ч. "Уаз-452", д/р. 11 L 6686. Бошланғич баҳоси – 1 109 499 сўм. 12. 19.12.2008 й. ижро ҳужжатига асосан 1979 й. и/ч. "Уаз-Б", д/р. 11 A 2595. Бошланғич баҳоси – 322 401 сўм. Тошкент вилоят, Янгийўл тумани, Гулбахор қ.ф.й., "Гулбахор Матлубот Савдо" МЧЖда сақланмоқда. Ангрен шахар СИБ томонидан 13. 10.12.2010 й. № 19624/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1983 й. и/ч. "Камаз 5320", д/р. 11 A 6717. Бошланғич баҳоси – 15 483 865 сўм. 14. 03.05.2011 й. № 3946/11-сонли ижро ҳужжатига асосан 1976 й. и/ч. "М-412", д/р. 11 N 9038. Бошланғич баҳоси – 781 999,98 сўм. 15. 02.11.2010 й. № 14057/10-сонли ижро ҳужжатига асосан 1990 й. и/ч. "ИЖ", д/р. 10 L 975 AA. Бошланғич баҳоси – 1 279 316,9 сўм. Ангрен шахар ИИБ ТБ майдонида сақланмоқда. Аукцион савдоси 2013 йил 15 феврал куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. 16. Олмазор тумани СИБ томонидан 03.11.2012 й. № 37667-сонли ижро ҳужжатига асосан 2006 й. и/ч. "Тойотта Прадо" русумли, д/р. 30 S 2322. Бошланғич баҳоси – 95 000 000 сўм. "Себзор" жарима майдончасида сақланмоқда. 17. Бекобод шахар СИБ томонидан 17.01.2013 й. № 72-сонли ижро ҳужжатига асосан 2008 й. и/ч. "Нексия" русумли, д/р. 60 M 709 AA. Бошланғич баҳоси – 19 259 616 сўм. "Бекобод савдо" МЧЖда сақланмоқда. 18. Бектемир тумани СИБ томонидан 12.12.2012 й. № 10517/3-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. "Ласетти" русумли, д/р. 01 026 LAA. Бошланғич баҳоси – 29 400 000 сўм. 19. 12.12.2012 й. № 10519/3-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. "Ласетти" русумли, д/р. 01 583 XAA. Бошланғич баҳоси – 29 400 000 сўм. 20. 12.12.2012 й. № 10520/3-сонли ижро ҳужжатига асосан 2009 й. и/ч. "Ласетти" русумли, д/р. 01 130 CAA. Бошланғич баҳоси – 29 391 900 сўм. 21. Хамза тумани СИБ томонидан 22.08.2012 й. № 1-450/12-сонли ижро ҳужжатига асосан 2010 й. и/ч. "Ласетти" русумли, д/р. 01 015 GBA. Бошланғич баҳоси – 40 000 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 4 март куни соат 11:00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги автотранспорт воситалари 2013 йил 4 март куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур автотранспорт воситаларини сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 19 март куни бўлиб ўтишини олдиндан маълум қиламиз. Савдога қўйилган автотранспорт воситалари билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Аукцион савдоларида қатнашиш учун талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини "SPARETRA" МЧЖ ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАСИнинг АТИБ "Ипотека банк" Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000104887305002, МФО 00425, ИНН 301829604. Аукцион савдоси ўтказиладиган манзил: Тошкент шаҳри, М. Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Тел.: 266-80-76.

**Гувоҳнома № 004593.**

**"Respublika Mulk markazi" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

Савдога такроран Зангиота тумани суд ижрочилари бўлими томонидан, 09.10.2012 йилдаги 5-2583/2012-сонли ижро ҳужжатига асосан, Тошкент вилояти, Зангиота тумани, "Саидумар Абдуллаев" МЧЖ омборида сақланаётган "Ваз-2101" русумли, д/р 11Y7731 бўлган, 1974 йилда и/ч автотранспорт воситаси қўйилмоқда. Бошланғич баҳоси – 3 008 700 сўм.

Аукцион савдоси 2013 йил 19 февраль куни соат 11:00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2013 йил 15 февраль куни соат 18:00. Савдога қўйилган автотранспорт воситаси билан Зангиота туман СИБ вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда ОАИКБ "Ипак йўли банки" Сағбон ф-лидаги 20210000300571452114, МФО 01036, ИНН 200933850 га тўлашлари шарт.

Манзил: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rmm.uz.

**Гувоҳнома № 006231.**


# Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси

**1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги Р-2146-сонли фармойиши билан тасдиқланган "Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш тартиби тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимларига танлов эълон қилади:**

| Т/р. | Таълим муассасаси номи | Манзили |
|---|---|---|
| 1. | Бўстонлиқ тумани Ғазалкент хизмат кўрсатиш ва иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи | 702180, Бўстонлиқ тумани, Ғазалкент шаҳри, Бирлик кўчаси, 21-уй |
| 2. | Бўстонлиқ туризм ва сервис касб-ҳунар коллежи | 110714, Бўстонлиқ тумани, Сойлиқ қишлоғи, Мустақиллик кўчаси |
| 3. | Зангиота маиший хизмат ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи | 111100, Зангиота тумани, Келес шаҳарчаси, К. Ғафуров кўчаси |
| 4. | Оҳангарон транспорт ва сервис касб-ҳунар коллежи | Оҳангарон тумани, Санам қўрғони |
| 5. | Оққўрғон агробизнес ва сервис касб-ҳунар коллежи | 702730, Оққўрғон тумани, Оққўрғон шаҳри, Гулбаҳор кўчаси |
| 6. | Чирчиқ саноат-иқтисодиёт касб-ҳунар коллежи | 702100, Чирчиқ шаҳри, Охунбобев кўчаси, 2-уй |
| 7 | Бекобод шаҳар тиббиёт коллежи | 110508, Бекобод шаҳри, Саломатлик кўчаси, 18-уй |

Танловда олий маълумот (маданият ва спорт ҳамда соғлиқни сақлаш соҳасидаги таълим муассасаларида академик лицей, касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишининг камида биттаси ёки билим соҳаси бўйича олий маълумот)ли ва таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий бошқарув фаолияти) иш стажи 3 йилдан кам эмас ёки академик лицей, касб-ҳунар коллежининг соҳа йўналишлари бўйича 5 йилдан кам бўлмаган амалий иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 20 августдаги "Хизматчиларнинг асосий лавозимлари ва ишчи касблари классификаторини тасдиқлаш тўғрисида"ги 181-сонли қарори асосида Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг 2012 йил 30 декабрдаги "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизими асосий лавозимлари малака тавсифларини тасдиқлаш ҳақида"ги 341-сонли буйруғига мувофиқ Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муасссалари директорига қўйиладиган юқорида баён этилган малака талабларига малака талабларига жавоб бериши керак.

**2.** Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими марказининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг, Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлигининг 2005 йил 24 мартдаги 04/ҚҚ-сонли, 01-76-сонли ва 01/1184-сонли қўшма қарори билан тасдиқланган ҳамда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 28 март куни 1461-сонли давлат рўйхатидан ўтган "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида раҳбар ва ўқитувчининг бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги Низом" асосида қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосарлари лавозимларига танлов эълон қилади:

| Ўқув ишлари бўйича директор ўринбосарлари | Маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари | Ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари |
|---|---|---|
| Ангрен шаҳар академик лицейи | Ангрен иқтисодиёт ва тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи | Чирчиқ саноат касб-ҳунар коллежи |
| Зангиота академик лицейи | Ангрен автоматика ва сер-сервис касб-ҳунар коллежи | Қуйи Чирчиқ агроиқтисодиёт касб-ҳунар коллежи |
| Қибрай тадбиркорлик касб-ҳунар коллежи | Олмалиқ саноат касб-ҳунар коллежи | |
| | Паркент ижтимоий-иқтисодийёт касб-ҳунар коллежи | |
| | Юқори Чирчиқ қурилиш ва сервис касб-ҳунар коллежи | |

Танловда ўқув ишлари бўйича директор ўринбосари лавозимига академик лицей, касб-ҳунар коллежининг таълим йўналишларидан камида биттаси бўйича ёки умумтаълим фанлари бўйича олий маълумот (маданият, спорт ҳамда тиббиёт соҳаси бундан мустасно), таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас, малакавий даражаси – катта ўқитувчидан кам эмас, маънавий-маърифий ишлар бўйича директор ўринбосари лавозимига ижтимоий фанлар бўйича ёки педагогик олий маълумот, таълим тизимидаги (педагогик, ўқув-тарбиявий, ўқув-услубий, бошқарув фаолияти) иш стажи 5 йилдан кам эмас ҳамда ишлаб чиқариш таълими бўйича директор ўринбосари лавозимига касб-ҳунар коллежининг билим соҳасига оид махсус фанлардан бири бўйича олий маълумот, 5 йилдан кам бўлмаган педагогик иш стажига эга бўлган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

**2. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:**

*1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;*
*2. Туман (шаҳар) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);*
*3. Таълим муассасаси директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);*
*4. Сўровнома;*
*5. Таржимаи ҳол;*
*6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси;*
*7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);*
*8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);*
*9. 3,5 х 4,5 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);*
*10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режа (концепсия)си;*
*11. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеронусхаси;*
*12. Паспорт ва унинг ксеронусхаси (тураржойи билан);*
*13. Меҳнат дафтарчасининг ксеронусхаси;*
*14. ИИБдан маълумотнома.*

**Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади. Мурожаат учун манзил: 700121, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Фарҳод кўчаси, 3-уй. Телефонлар: 150-40-42, 150-52-18, 150-40-37.**

ИЖТИМОИЙ РЕКЛАМА





**"REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!**

1. Мирзо Улуғбек тумани СИБ томонидан такроран 22.08.2012 й. № 27038/25-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Муса Жалил кўчаси, 118-уй. Бошланғич баҳоси – 548 479 565 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 15 февраль куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. 2. Қибрай тумани СИБ томонидан 05.07.2012 й. № 10549/2-сонли ижро варақасига асосан Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Қипчоқ қ.ф.й., Шералиев кўчаси, 127-уй. Бошланғич баҳоси – 121 719 000 сўм. 3. Юнусобод тумани СИБ томонидан 21.01.2013 й. № 425/22-сонли ижро варақасига асосан Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Қоронкўл кўчаси, 84-уй. Бошланғич баҳоси – 357 973 000 сўм. Аукцион савдоси 2013 йил 4 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2013 йил 4 март куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2013 йил 19 март куни бўлиб ўтишини маълум қиламиз. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдоларида иштирок этиш учун талабгорлардан аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 16:00 гача қабул қилинади (13:00 дан 14:00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини "REALTOR GARANT BUSINESS" МЧЖ Тошкент шаҳар, "Ипотека банк" АТИБ Шайхонтоҳур филиалига қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО 00425, СТИР 207125885. Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли кўчаси, 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

**Лицензия: RR-0052.**

Утерянный диплом В № 478190, выданный в 2010 году ТГЭУ на имя Якубова Давида Тахировича,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Общество с ограниченной ответственностью "T-SHIRT RENT SERVIS", зарегистрированное отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Яккасарайского района г. Ташкента, расположенное по адресу: г. Ташкент, Яккасарайский район, ул. У. Носира, 58 (ИНН 301357259), **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение единственного учредителя № 6 от 28.01.2013 г.). Претензии принимаются в течение двух месяцев с момента опубликования данного объявления.

ООО "SALAXITDIN UNIVERSAL TRADE" (ИНН 302048095) Яккасарайского района г. Ташкента сообщает об уменьшении уставного фонда с 26 513 000 сум до 24 000 000 сум. Тел.: 971-05-00.

Тошкент фармацевтика институти томонидан 2008 йилда Хамидов Зафар Раупович номига берилган № 289645 рақамли (қайд рақами 13872) диплом йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ООО "FUR BUSINESS" (ИНН 301813173), расположенное по адресу: г. Ташкент, Учтепинский район, ул. Зарафшан, д. 2-А, извещает своих кредиторов и других заинтересованных лиц об уменьшении уставного фонда с 196 884 568,42 сум до 175 235 277,33 сум. Претензии принимаются в течение 30 (тридцати) дней со дня публикации объявления по тел.: (+99871) 299-47-61.

Утерянный диплом М № 032432, выданный в 2008 году Узбекистон Давлат жаҳон тиллари университети на имя Джуманиязовой Гулнозы Шухратовны,
**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Компания ООО "MAYDA TOSH TECHNOLOGY" преобразуется СП ООО "MAYDA TOSH TECHNOLOGY", которое является ее правопреемником. Претензии принимаются в течение 30 дней с момента опубликования данного объявления.

"VLADDIM SERVIS" масъулияти чекланган жамияти "NATIONAL MASTER FOOD" масъулияти чекланган жамиятига бирлашиб кетишини маълум қилади.

Бектемир тумани ТСРЎИ томонидан 2009 йил 21 январда 000684-02 реестр рақами билан рўйхатга олинган "MAFTUNA-MA`RIFAT" масъулияти чекланган жамиятининг бир дона бурчак тамғаси йўқолганлиги ҳамда ушбу жамиятнинг ташкилий-ҳуқуқий шакли оилавий корхонага (МЧЖдан ОКга) ўзгартирилишини маълум қилади (СТИР 301880488, ОКПО 22532594). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида Тошкент шаҳри, Бектемир тумани, Бектемир шоҳкўчаси, 12-уйда қабул қилинади.

Олмазор тумани ТСРЎИ томонидан 17.01.2012 йилда гувоҳнома рақами № 0514066 билан рўйхатга олинган якка тартибдаги тадбиркор "Юлдашев Бахадир Усманджанович"га тегишли бўлган гувоҳнома (патент) йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Спортимиз келажаги

# ИСТИҚЛОЛ ЁШЛАРИ – ЭРТАМИЗ ИШОНЧИДИР

**Ўзбекистон ёшлари қайси соҳа бўлмасин – санъат, спорт, илм-фанда иқтидор ва истеъдодларини муносиб намоён этмоқда. Табиийки, давлатимизнинг бу борадаги ғамхўрлиги, яратиб бераётган шарт-шароит ва имкониятлари ҳар бир йигит-қизнинг орзу-мақсадларига қанот бўлмоқда. Айниқса, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкиллаштириш, эртамиз эгаларини Ватан келажаги учун жонкуяр фарзандлар этиб тарбиялашга муносиб ҳисса қўшаётган маданият ва спорт ишлари бўлимларининг хизматлари айтгулик.**

– Мақсадимиз, ўғил-қизларимизнинг истеъдод ва қобилиятини рўёбга чиқариш учун зарур шарт-шароитлар яратиш, фаол ва ташаббускор ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ва рағбатлантиришдир, – дейди Бўка тумани маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Абдурасул Акмалов. – Шунинг учун ёшларнинг фаоллиги, билим ва қобилиятини оширишга қаратилган маданий-маърифий тадбирлар, спорт беллашувларини мунтазам уюштирамиз.



Эътиборлиси шундаки, тумандаги барча мактаблар қошида ғижжак, доира, дутор, рубоб, рақс ва ашула тўгараклари ташкил этилган. Уларни ўз касбининг усталари бошқармоқда.

Дарвоқе, Бўка тумани маданият уйи қошида ташкил этилган "Дугоҳ" мақом ансамбли 21 иқтидорли ёшларни бирлаштирган. Ансамблга Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳайъатининг қарорига биноан ҳаваскорлик санъатини ривожлантириш, миллий қадриятларни тиклашдаги фаол хизматлари ҳамда юксак ижрочилик маҳорати учун "Халқ ҳаваскорлик жамоаси" унвони берилган.

– Маънавий-маърифий мавзуларда бадиий кечалар, давра суҳбатлари ва бошқа тадбирлар мунтазам ўтказилади, – гапида давом этди Абдурасул Акмалов. – "Биз ёш ниҳоллар" номли тадбирда ёш шоир ва шоиралар ижод маҳсулларидан ўқиб эшиттирадилар. Ташриф буюрган устозлар уларга маслаҳатлар берадилар. Бундан ташқари, "Ўзбек қизлари", "Жаннатимсан, аёл", "Сен учун Ватан ғамхўрдир", "Менинг маҳаллам", "Ўзбекистонимизни обод юртга айлантирайлик" каби қатор мавзуларда тадбирлар ўтказамиз. Бу ёшларнинг истеъдодларини юзага чиқариш билан бир қаторда Ватанга муҳаббат, урф-одат, қадриятларга ҳурмат руҳида тарбиялашга хизмат қилмоқда.

Тумандаги 54 та умумтаълим мактаби ва 7 та касб-ҳунар коллежида оғир атлетика, футбол, дзюдо, миллий кураш, шахмат-шашка, волейбол, баскетбол, бадиий гимнастика тўгараклари ташкил этилган бўлиб, уларда 6 ёшдан 17 ёшгача бўлган 1500 ўғил-қиз шуғулланмоқда. Уларга 135 малакали мутахассис спорт сирларини ўргатмоқда. Қувонарлиси, улар машғулотлар жараёнида эгаллаган билим ва кўникмаларини ташкиллаштирилаётган мусобақаларда намойиш этмоқдалар.

– Сўнгги йилларда ўзбек жанг санъати жадал ривожланмоқда, – дейди бош мураббий Файзулла Аҳмедов. – Ҳозир 50 дан зиёд ёшлар ушбу спорт тури билан мунтазам шуғулланмоқда. Уларнинг нафақат республика, балки жаҳон майдонларида қўлга киритаётган ютуқлари таҳсинга лойиқ.

Дарҳақиқат, ўтган йили Корея Республикасида ўтган "Бутунжаҳон якка кураш" фестивалида Наргиза Хайруллаева 70 та давлат спортчилари орасида энг яхшиси деб топилди. Шунингдек, у Россиянинг Санкт-Петербург шаҳрида ўтган жаҳон чемпионати мусобақаларида ҳам 40 та давлат спортчиларини доғда қолдириб, биринчи ўринни эгаллади.

– Наргиза Хайруллаева 2009 йилдан бери Ўзбекистон "Ўзбек жанг санъати" терма жамоаси аъзоси, қора белбоғ соҳибаси, – дейди мураббий. – Унинг ютуқлари билан фахрланамиз. Шунингдек Жасур Аҳмаджонов, Умид Мўминов, Аббос Аҳмедов, Фарангиз Ободова ва Дилноза Озодова каби спортчиларимиз борки, уларнинг куч-ғайрати ва салоҳиятига ишонамиз.

Маданият ва спорт ишлари туман бўлими ташкил этаётган "Спорт соғлом ҳаёт демакдир", "Баркамол авлод", "Мустақиллик кубоги", "Юртда соғлом ҳаёт тарзи" каби мусобақалар ёшларнинг ҳар жиҳатдан етук униб-ўсишларига хизмат қилмоқда.

**Ирода НОРБОЕВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

**СУРАТДА:** туман маданият ва спорт ишлари бўлими бошлиғи Абдурасул Акмалов бир гуруҳ спортчилар билан.

**Даврон АҲМАД олган сурат.**

---

Bolalik bog`i

# KIMGA ZAHRI, KIMGA BOLI

Onam gullarni yaxshi ko`rardi. Hovlimizga kirgan odam borki, chiroyli gullardan ko`z uzolmay qolardi. Qishda ham uyimiz gulzorga aylanib, bahorni eslatib turardi.



Hech esimdan chiqmaydi. Yoz kunlari edi. Hovlimizda bir kapalak tutqich bermay, u yoqdan-bu yoqqa uchib, rosa charchatdi. Nihoyat, o`zi ham holdan toyib, chiroyli ochilgan gullardan biriga qo`ndi. Uni ushlamoqchi bo`lib qo`l cho`zdim. Ammo u tutqich bermay, uchib ketdi. Aldamchi kapalakdan fig`onim ko`tarildi. Alamdan gulni uzib olmoqchi bo`ldim. Shu topda, qo`limni nimadir jiz etib chaqib oldi. Og`riqdan yig`lab yubordim. Buni eshitgan onam hovliqqanicha yugurib chiqdi:

— Ha, bolam, namuncha, ilon chaqqandek chinqirmasang? Ovozingni eshitib yuragim tars yorilay dedi-ku!

— Mana bu... yomon chaqdi. Qarang, barmog`im shishib, qizarib ketdi.

— Voy, bu bolariku? Axir ular beminnat xizmatkorimiz. Gullarimizni changlatishadi, yana sen yaxshi ko`radigan asalni ham ular yig`ib berishadi, — deya jilmaydi onam.

— Nega unda meni chaqib oldi?

— E-e, bolam, bu bolarilar shunchalar beozorki, tegmaganga tegmaydi. Ammo jahlini chiqarganni ayab o`tirmaydi, shartta nishini sanchadi. Sen gulni sindirmoqchi bo`lib, uni jig`iga tekkansan.

— Kapalakka jahl qilib, chiroyli ochilgan gulni sindirmoqchi edim.

— Ana, ko`rdingmi, u seni yomon ishing uchun jazolabdi. Ikkinchi bunday qilma. Axir gullar yoqimli ifori va go`zalligi bilan odamlarga huzur bag`ishlaydi. Sen bo`lsa... Hay, mayli, bo`lar ish bo`libdi.

Shu-shu bolarilarga ozor bermaydigan, gullarni sindirmaydigan bo`ldim.

**Latifjon MANSUROV.**

---

# «ТУЯ» БИЛАН «БЎТАЛОҚ»

Ҳангома



Жўрабой қиз узатадиган бўлиб қолди. Ўша даврларда мебель дегани анқонинг уруғи эди. Хотинининг дийдиёсини эшитавериб, охири мебель фабрикаси директорига учрашишга мажбур бўлди.

Қабулхона котибаси бошлиқ ҳузурига кириши кераклигини айтди.

– Бугун бошлиғимизнинг кайфияти ёмон, бундай пайтда учрашмасликни маслаҳат бераман, – деди котиба.

Жўрабой эртасига келса, яна аҳвол танг. Нима қилишини билмай, йўлакка чиқиб турса, маҳалладоши Ҳакимжон келиб қолди. У шу фабрикада ишларди.

– Тинчликми, Жўрабой?

– Тинчлик. Тўйнинг ташвиши. Мебель керак эди. Шунга икки кундан бери раҳбарларинг олдига киролмай, овораман.

– Ташвишланма, чораси бор, – деди Ҳакимжон.

Жўрабой дўстининг айтганини қилиб, эртаси куни котиба қизнинг иш вақти тугаганидан кейин, ўрнига навбатчи ходим ўтирганида келди. Келганида ҳам ўзи "ширин"гина, қўлида халтаси билан келди.

– Ука, мени каттанинг ўзи чақиртирган. Шунинг учун у кишини безовта қилмай қўяқол. Тўғри ўзим кираверамаn, – деди-да эшикни очиб ичкарига кирди.

– Ассалому алайкум, Жакбар Жўраевич. Мумкинми?

– Ичкарига кириб бўлиб, рухсат сўрашга бало борми? – деди тўрдаги креслода савлат тўкиб ўтирган бошлиқ саломга алик олиш ўрнига.

– Жакбар Жўраевич, бир масалада келгандим...

– Нима учун иккита эмас?

– Бизнинг битта масаламиз ҳам қирқ туяга етиб, бўталоқларига ҳам ортади.

– Бу нима деганинг? Сен бола, устимдан кулаяпсанми?!

– Асло. Қиз чиқараётгандим. Шунга мебель керак эди. Хотинларни биласиз, айтганини олдирмай қўймайди. Уларнинг макрига учган биз эркаклар елкамизга қирқ туянинг юкини ортмоқлаймиз.

Жакбар Жўраевич бу гапларни эшитиб хандон отиб кулиб юборди:

– Сен бола қизиқ экансан-ку. Йўқ жойдаги гапларни айтиб, мени ийдирвординг. Аризангни бер, – деди.

Бунга жавобан Жўрабой халтадан бир шиша коньяк ва қутичада шоколад олиб, стол устига қўйди.

– Нима қиламан бунингни? Агар ўзинг ичсанг оч, бўлмаса олиб кетавер, – деди Жакбар Жўраевич.

– Ичганда қандоқ, сиз билан ичиш ҳаммага ҳам насиб қилавермайди, – деди Жўрабой дадиллашиб.

Шу куни Жўрабойнинг иши юришиб, бошлиқ билан икки шиша коньякни бўшатишди. Бошни-бошга қўйишиб, узоқ суҳбатлашишди.

Буни қаранг, бошлиқнинг лақаби "Туя" экан. Жўрабойники эса – "Бўталоқ". Ўхшатмасдан учратмас деганларидек, шу куни "Туя" билан "Бўталоқ" хўп дардлашдилар.

**Аҳмаджон РИХСИБОЕВ.**

---


ЭЪЛОНЛАР

Тошкент вилоят давлат педагогика институти томонидан 2010 йилда Рахмонбердиева Дилдора Иброхимовна номига берилган В № 508988 рақамли (рўйхат рақами 9787) диплом йўқолганлиги сабабли

**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Утерянное свидетельство о базовом 8-классном образовании № 141953, выданное в 1985 году средней школой № 26 Янгиюльского района Ташкентской области на имя Аголиевой Лилии Сурмалиевны,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Утерянную гувохному № 05-11752 (реестр № 0513686), выданную в 17.10.2011 году отделом гос. регистрации субъектов предпринимательства хокимията Алмазарского района г. Ташкента на имя Мамажонова Вохиджона Махмудовича,

**СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Ҳуқуқий манзили: Зангиота тумани, Эркин ҚФЙ, "Гулбаҳор" маҳалласи бўлган, Зангиота туман ҳокимияти ТСРЎИ томонидан рўйхатга олинган "VISOL FAYZ MEBEL" МЧЖ (СТИР 301788481) якка таъсисчисининг қарорига асосан ўз-ўзини тугатишини маълум қилади. Тел.: (+99890) 931-19-75.

"DEEP BLESK" МЧЖ корхонасининг номи "ULTRA TRADE GROUP" МЧЖга ўзгартирилади (СТИР 207168666). Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб икки ой давомида 319-36-18 рақамли телефон орқали қабул қилинади.


---

Рассом хандаси




*Хайрли тун тилашнинг «замонавий» усули.*

---

# БИТИРУВЧИЛАРГА СЕРТИФИКАТ

Кўргазма

**Тошкент Фотосуратлар уйида ижодий фотомактаб-студияси битирувчиларининг анъанавий 13-ҳисобот кўргазмаси очилди. 2006 йилда ушбу фотосуратлар уйи қошида ташкил этилган ижодий фотомактаб-студияси ўз фаолияти давомида кўплаб фотографларни етиштириб келмоқда.**

Экспозициядан студияда таҳсил олган, аксарияти ёшлардан иборат 16 битирувчининг 200 дан ортиқ фотоижодидан намуналар ўрин олган. Уларда муаллифларнинг арт-портрет, концептуал-портрет, репортаж, манзара, натюрморт ва бошқа жанрлардаги тасвирий воситалар излаш, композицион ечимлар топиш маҳоратлари ва билим даражасини кўрамиз.

Аксарият муаллифлар учун бу кўргазма фотография санъатида ўзига хос илк ижодий ишлар намойиши бўлди. Улар услубий ҳамда мавзу жиҳатидан ҳам хилма-хиллиги билан ажралиб туради. Битирувчи Ольга Володина Чимёнга бағишланган "Тоғ чўққилари", "Изғирин ва қуёш – мўъжизавий кун!", "Чанғи йўли", "Табиат билан танҳоликда", Светлана Чукмарёва эса "Баланд парвоз", "Чирчиқ водийси дарёси" каби фотосуратлари билан қатнашган. Уларда акс этган гўзал манзаралар кишига завқ бағишлайди, мулоҳазаларга чорлайди.

Кўргазманинг очилиш куни фотомактаб-студияси битирувчиларига сертификатлар тантанали суратда топширилди.

**Ҳасан АБДУНАЗАРОВ.**

---




## ТИЛСИЗ ЁВНИНГ ДАҲШАТЛИ ОҚИБАТИ

**Бразилиянинг Санта-Мария шаҳридаги клублардан бирида содир бўлган ёнғин 245 кишининг умрига зомин бўлди, деб хабар тарқатди Terra Brasil нашри ҳарбий полиция маълумотига таяниб.**



Ҳалок бўлганларнинг жасади муниципал спорт марказига жўнатилди. Бу ерда уларнинг қариндошлари ўзларига тегишли жасадларни аниқлашлари мумкин бўлади.

Кейинги хабарларга қараганда, Санта-Мария шифохонасида 48 жабрланувчига тиббий ёрдам кўрсатилмоқда. Уларнинг аҳволи ҳақида маълумот берилмаяпти.

Ёнғин чиққан пайтда клубда, турли маълумотларга қараганда, 400 дан 2000 гача, жумладан, талабалар байрами иштирокчилари бўлган. Ёнғин ярим тунда бошланди. Бунга пиротехника шоуси сабаб бўлди. Унинг учқунларидан бири осиғлиқ турган байроққа тушиб, аланга олдирди. Шундан сўнг у атрофга тез ёйилиб, шоу иштирокчилари ўртасида таҳлика келтириб чиқарди. Натижада улар бу ерда ягона бўлган чиқиш йўлаги томон бир вақтда ошиқдилар.

Клуб ходими Микел Шинейднинг сўзларига қараганда, одамлар ёнғиндан қутулиб қолиш учун ўзларини ҳожатхонага уришган.

Рўй берган ушбу нохуш воқеа сабабли Бразилия президенти Дилма Руссефф Чилига қиладиган ташрифини тўхтатишга мажбур бўлди. AFP агентлигининг маълум қилишича, президент Европа Иттифоқи ҳамда Лотин Америкаси ва Кариб ҳавзаси мамлакатлари ҳамжамияти саммитида иштирок этиши керак эди.

## ФИТНАЧИЛАР СУДГА ТОПШИРИЛДИ

**Бирлашган Араб Амирликларида давлат тўнтариши уюштиришида айбланган 94 киши судга топширилди, деб хабар тарқатди Reuters агентлиги.**

Мамлакат бош прокурори Салим Саид Кубаишнинг баёнотига қараганда, фитначилар ўз режаларини яширин йиғилишларда ишлаб чиқишган ва интернетдаги ижтимоий тармоқлар ёрдамида жамоатчилик фикрини ҳукуматга қарши қаратишга уринганлар.

Фитначиликда гумон қилинаётганларнинг 60 га яқини ўтган йилда қўлга олинган эди. Терговнинг тахминларига қараганда, улар "Ал-Ислоҳ" ислом ташкилотига қарашли шахслардир. Улар Бирлашган Араб Амирлигида тақиқлаб қўйилган "Мусулмон оға-инилар" ҳаракати билан ҳамкорлик қилишган.

Ўтган йилнинг сентябрь ойида матбуотда тарқатилган хабарда айтилишича, ушланганлар ҳокимиятни қўлга олиш ва мамлакатда ислом тартиблари ўрнатилган давлат барпо этиш учун қуролланган махфий ташкилот тузилганини тан олишди.

"Ал-Ислоҳ" ташкилотининг айтишича, унинг мақсади фақат тинч ислоҳотлар бўлиб, "Мусулмон оға-инилар" билан алоқадор эмаслар. Аммо, прокуратура бирлашма аъзолари ўзларининг хайрия жамғармаларидан тижорат корхоналари ташкил этишда фойдаланиб, улар ёрдамида кўпорувчилик фаолиятларини хаспўшлашга уринганларини таъкидламоқда. Шунингдек, "Ал-Ислоҳ" тарафдорлари гўё давлат муассасалари, яъни мактаб, университет ва вазирликлар таркибига киришга ҳам уринганлар.

## ДИНОЗАВР МИЯСИ ТАСВИРИ

**Пиренея қироллиги илмий-тадқиқот миллий кенгашидан маълум қилишларича, Испания олимлари динозавр мияси тасвирини яратдилар.**



Бунга 2007 йилда Вальядолид шаҳри яқинидаги Ло-Уэко дея аталувчи жойда топилган ампелозавра суяк қолдиқлари асос бўлган. Бу пайтгача шундай динозавр суякларини олимлар фақат Францияда топишган эди.

Дарвоқе, ушбу қадимий жонзотнинг ягона тўла скелети 1995 йилда Каркассон шаҳри жанубида топилган. Дастлабки натижаларга қараганда, ампелозавра миясининг ўлчами бор-йўғи 8 сантиметр экан. Ваҳоланки, унинг гавдаси узунлиги бошидан то думининг учигача ҳисоблаганда, 15 метрга етади. Экспертларнинг тахминларига қараганда, қадимги йирик жонзотларнинг ўта суст ҳаракат қилишларига шу ҳол сабаб бўлган.

Испания тадқиқотчилари ўз топилмаларини ҳар томонлама ўрганиш билан чекланиб қолмай, уни Францияда топилганлари билан таққослаб кўришмоқчи. "Улар турли зотларга мансуб бўлиши эҳтимолдан ҳоли эмас, – дейди табиий фанлар миллий музейи вакили Фабиен Кнолл. – Шу боис олдимизда катта ишлар турибди. Ҳозирча бизнинг динозавримиз ампелозавра туркумига мансуб эканлигини аниқладик, холос".

Бундан 65-70 миллион йил аввал яшаган ушбу жониворлар ўсимликлар билан озиқланган.

## ГУЛНИНГ ЯНА БИР ХИСЛАТИ

**Тадқиқотчилар қўлга киритган маълумотларга қараганда, гуллайдиган ўсимликлар паришонхотирлик ва онкологик касалликлардан сақлар экан. Олимларнинг аниқлашича, гуллар фақат кўзни қувонтириб қолмай, соғлиқни тиклашга ҳам ёрдам беради.**

Шунингдек, гуллар мия фаолиятини яхшилайди ва яна бир қатор шифобахш хусусиятларга эга. Хитой мутахассислари аниқладиларки, бинафша Альцгеймер (қалтироқ, асосан кексаларда учрайди) хасталик чоғида киши ўзини яхши ҳис қилишига ёрдам беради.

Ўз навбатида Австралия олимлари шафраннинг кўриш ҳужайралари мустаҳкамланишига ва Альцгеймер хасталигига чалинган беморларнинг мияси яхши ишлашига ёрдам берар экан. Шунингдек, шафраннинг таркибида хотирани фаоллаштирадиган зарур моддалар ҳам борлиги аниқланди.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: Тошкент вилояти ҳокимлиги

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.
e-mail: th.tp@mail.ru

Телефонлар:
Қабулхона: 233-64-95, 236-55-59, 233-58-85 (факс).
Бўлим муҳаррирлари ва мухбирлар: 233-12-83, 233-48-08.
Шартнома ва эълонлар: 236-55-54.
Ҳисоб-китоб бўлими: 233-54-10.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 2011 йил 12 январда 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.
Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

Навбатчи муҳаррир Жўра САЪДУЛЛАЕВ
Навбатчи Бекзод ҲИДОЯТОВ
Саҳифаловчи Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма J 6296. Адади 16680. Баҳоси келишилган нархда Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "ЎЗБЕКИСТОН" нашриёт-матбаа ижодий уйи босмахонасида босилди. Корхона манзили: Навоий кўчаси, 30-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 19.40.